

Боғишманов Саъдулло маъсулияти чекланган жамияти номидан жамият директори М.У. Вазиров, (кейинги ўринларда «Хизмат кўрсатувчи» деб номланади) бир томондан ва Андижон вилоят кишлок хужалиги бошкармаси номидан С.Эсонов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланади) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан мехмонхона хизмати кўрсатиш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса кўрсатиладиган мехмонхона хизмати учун олдиндан ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

N	Бажарилган иш ва хизматлар	Ўлчов бир	Мик-дори	Нархи	Умумий Сумма
1	Мехмонхона хизмати	шт	20	250000	5000000
					5000000

1.2. Шартноманинг умумий қиймати 5000000 сўмни ташкил қилади.

1.3. Тўлов 15 фоиз ҚҚС билан амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

I. «Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1. «Буюртмачи» мехмонхона хизмати кўрсатиш учун «Хизмат кўрсатувчи»га камида 3(уч) кун олдин телефонограмма, факс, телефон, хат ёки бошқа алоқа воситалари орқали буюртма беради. Ушбу буюртмада буюртмачи мехмонхонада яшовчи ўз ходимларининг кутилаётган сони, келиш куни, неча кун яшашлиги ва хона турларини кўрсатади.

2.2. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан қуйидаги қўшимча хизмат турлари ҳам амалга оширилиши мумкин: автомашиналар учун сақлаш жойлари, бир зумда тайёрланадиган овқатлар тайёрлаш (буюртма асосида), кир ювиш ва дазмоллаш, бассейн ва сауна хизматлари (бу хизматлар учун «Буюртмачи» белгиланган тарифлар асосида алоҳида ҳақ тўлайди).

2.3. «Буюртмачи»нинг мехмонлари мехмонхонада яшаш вақтида таништирилган қонун-қоидаларга амал қилмасалар, ёки зид ҳаракат қилсалар, мехмонхонадан чиқариб юбориладилар ва «Буюртмачи» томонидан амалга оширилган тўлов қайтарилмайди. Агар тўлов амалга ошмай туриб шундай ҳолат содир бўлса, «Буюртмачи» мехмони яшаган кунлари учун ҳақ тўлашга мажбур.

2.4. «Буюртмачи»нинг мехмонхонада яшаётган мехмонлари айби билан хонада ёнғин, сув тошқини ва бошқа зарар келтирадиган ҳодисалар содир этилса, ушбу келтирилган зарарни 100 % қоплашни «Буюртмачи» ўз зиммасига олади (содир бўлган зарар 100 % тиклаш ёки тиклаш учун кетадиган маблағни «Хизмат кўрсатувчи»га тўлаш йўли билан амалга оширилади).

2.5. «Буюртмачи» шартнома ва унинг №1 иловасига ёки ҳисоб варағига асосан банд қилган хоналар учун ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган баҳосининг 30% фоизини олдиндан тўлов шаклида амалга оширади, сўнгра ҳисоб варағига асосан қолган 70% тўлайди.

II. «Хизмат кўрсатувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.6. «Хизмат кўрсатувчи» шартнома ва буюртмага асосан «Буюртмачи»га мехмонларини мехмонхонада яшашлари учун (қўшимча хизмат турлари алоҳида кўрсатилади) тўловни олдиндан амалга ошириш учун ҳисоб-варақ беради. «Буюртмачи» олдиндан тўловни амалга оширмаса пул ўтказгунга қадар гаров тарикасида нақд пул ундирилади.

2.7. Шартноманинг №1 иловасидаги кўрсатилган нархлар қонуний тўловларни нархлари ўзгарганда йил давомида ўзгариш мумкин. Ўзгаришлар бўлганда «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»ни 15 (ун беш) кун олдин огоҳлантиради.

2.8. Буюртмачининг мехмонхонадан бўлган жами қарздорлиги, мехмонхона хизматлари кўрсатиш тугагандан сўнг 5(беш) иш куни муддат ичида мехмонхона хизматлари кўрсатганлик ҳақидаги далолатнома ва ҳисоб-варақга асосан тўлаб берилади. «Буюртмачи» 3(уч) кун муддат ичида

«Хизмат кўрсатувчи»дан олган меҳмонхона хизматлари кўрсатилганлик ҳақидаги далолатнома ва ҳисоб-варақни тасдиқлаб «Хизмат кўрсатувчи»га бир нусхасини қайтаради.

2.9. Меҳмонхонада ҳисоб-китоб вақти 12-00 дан 12-00гача. Агар меҳмон ҳисоб-китоб вақтидан кейин соат 24-00 гача чиқиб кетса қўшимча тўлов бир суткалик яшаш ҳақи ундирилади.

2.10. «Хизмат кўрсатувчи» ҳисоб-варақда ва буюртмада кўрсатилган бўлса, «Буюртмачи»нинг меҳмонларини озик-овқат, экскурсия хизмати, транспорт воситаси ва сафар чипталари билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

2.11. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» меҳмонлари томонидан меҳмонхонага етказилган зарарни ундириб олиш ва меҳмонхонада яшаш қоидаларига риоя қилмаган меҳмонларини меҳмонхонадан чиқариб юбориш ҳамда, амалга оширилган тўловни қайтармаслик ҳуқуқига эга.

2.12. «Хизмат кўрсатувчи» шаҳар Электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси етказиб берилмаганда шунингдек шаҳар Сув оқова корхонаси томонидан сув таъминотида носозликлар туфайли меҳмонхонада сув таъминоти бўлмаганда жавобгар эмас.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

3.1. «Буюртмачи» кўрсатиладиган меҳмонхона хизмати учун тўловни ўз вақтида амалга оширмасда, лекин «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»нинг меҳмонларини меҳмонхонага жойлаштирган бўлса, 1(бир) кунлик муддатда тўловни амалга ошириши шарт. Акс ҳолда, муддати ўтган ҳар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

3.2. «Буюртмачи» буюртмада кўрсатилган куни меҳмонини меҳмонхонага жойлаштирмас, ушбу меҳмони келгунига қадар ҳар бир кунга хона брони учун ҳақ тўлайди ва (ёки) шу буюртмада белгиланган куни шартномани бекор қилмоқчи бўлса, келишилган хонанинг бир суткалик нарҳини тўлашни ўз зиммасига олади.

3.3. «Хизмат кўрсатувчи» айби билан буюртмада кўрсатилган куни «Буюртмачи»нинг меҳмонлари меҳмонхонага жойлаштирилмас, ҳар бир ўтган кун учун шартнома умумий суммасидан 0,1 % миқдорида жарима тўлайди («Буюртмачи» томонидан олдиндан тўлов амалга оширилмаган ҳолатлари бундан мустасно).

4. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартнома шартлари табиий офатлар, zilzila, сув тошқини ва оммавий сафарбарлик ҳолатларида бажарилмаганида, томонлар жавобгар бўлмайдилар.

4.2. Шартнома шартларини ўзгартириш, бекор қилиш, қўшимчалар киритиш ва ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган Низолар томонларнинг ўзаро хат алмашинуви асосида хал бўлади. Агарда, бунинг имкони бўлмаса, Низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Суд орқали хал қилинади.


5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга. Бир нусхаси «Хизмат кўрсатувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

BOG'ISHAMOL GAVHARI M.CH.J.
ANDIJON SHAHAR, MILLIY TIKLANISH 38-A UY
TEL: (+99874) 228-21-12, FAX: (+99874) 228-26-62
H/R: 20208 000 904 997 528 001
ANDIJON SH. XAB «TRUST» BK- ANDIJON FILIALI
FO: 01074 STIR: 307 324146 IFUT: 55100

ANDIJON VILOYAT QISHLOQ XO'JALIGI BOSHQARMASI
X/R: 23402000300100001010
X/R: 100021860034017042960082001
X/R: 401021860034017950100082001
MARKAZIY BANK XKKM TOSHKENT SHAHAR
MFO: 00014 STIR: 201122919



Рақбар

М.У. Вахобов

рақбар С. Эсанов

Рақбар